

Термиз туманида ифторлик тадбирлари давом этмоқда



Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифлари давомида берган топшириклари ижроси доирасида Термиз туманининг “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд оила вакиллари, пирубадавлат нуронийлар учун “Хумо” тўйхонасида дастурхон ёзилди.

Хайр-саҳовот ойи муносабати билан ўтказилган ифторлик тадбирида туман ҳокими Шуҳрат Назаров, вилоят Солик бошқармаси бошлиғи Эркин Нарманов, мутасадди ташкилот вакиллари ҳамда имом-хатиблар иштирок этишди.

Ифторлика имом-хатиблар томонидан қуръон тиловат қилиниб, юртимизга яратгандан тинчлик, файзи барака сўраб дуо қилинди.